

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“СТАТИСТИКА” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 31:338 (575.1)

АБДУРАҲИМОВ НОДИРЖОН АБДУАКБАР ЎҒЛИ

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛОВЧИ АСОСИЙ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИ  
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИСОЛИДА)

70410801– Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: И.ф.н., доц. А. Аюбжонов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Статистика” кафедрасида дастлабки  
химоядан ўтган.

1 -сонли баённома “27” 04 2023 й.

Кафедра мудири: И.ф.н., доц. А. Аюбжонов  29.05.23  
ИМЗО сана

Илмий раҳбар: И.ф.н., доц. А. Аюбжонов  29.05.23  
ИМЗО сана

Талаба: Абдурахимов Н.А.  27.05.23  
ИМЗО сана

Диссертация “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети 2023 йил  
“26” 05

№ MSI-01/6 рақами билан рўйхатга олинган.

Факультет декани  проф., и.ф.д. А.У. Бурханов

## АННОТАЦИЯ

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий жихатлари, тараққиёт босқичлари иқтисодий-статистик таҳлилининг методологик асосларини ўрганиш бугунги кунда долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Шу боисдан тадқиқот давомида мавзуга доир манбаалардан фойдаланиб, атрофлича иш олиб бордик. Жумладан мавзуга оид тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар илмий ишлари ва қарашлари, илмий мақолалари ҳамда мавзуга оид маҳаллий даражажаги меъёрий хужжат ва нормативларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрладик. Илмий ишининг амалий аҳамиятини ошириш учун, республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳарлари аҳолиси ва уларга тегишли бўлган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизими ўрганилиб, ўзига ҳос хусусиятлари аниқланди, статистик маълумотлар таҳлили амалга оширилиб, эконометрик моделлаштириш усуллари ёрдамида келгусидаги ҳолати прогноз қилинди. Бундан ташқари хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ва ёндошувлар билан ҳам танишиб чиқдик. Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни статистик усуллардаги таҳлили, уни ошириш йўналишлари бўйича илмий ва амалий асосланган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

***Калит сўзлар:** аҳоли, турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, турмуш фаровонлиги, турмуш сифати, уй хўжалиги, даромадлар, харажатлар, жамғармалар.*



## ANNOTATION

Studying the scientific and theoretical aspects of the formation and development of indicators of the standard of living of the population, the study of the methodological bases of the economic-statistical analysis of the stages of development is one of the current topics today. Therefore, during the research, we used sources related to the topic and carried out detailed work. We prepared a review of the literature after studying the research works on the topic, the scientific works and views of local and foreign scientists, scientific articles, and local normative documents and regulations on the topic. In order to increase the practical importance of scientific work, the population of all regions and cities of our republic and the system of socio-economic indicators belonging to them were studied, their characteristics were determined, statistical data analysis was carried out, and the future situation was forecasted using econometric modeling methods. In addition, we got acquainted with the experience and approaches of foreign countries in this field. Based on the studied and analyzed data, we have developed scientific and practical conclusions, proposals and recommendations based on the statistical analysis of indicators representing the standard of living of the population, directions for its improvement.

***Key words:** population, standard of living, socio-economic development, well-being, quality of life, household, income, expenses, savings.*

## МУНДАРИЖА

Аннотация.....	
Мундарижа.....	
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	
Келтирилган расмлар рўйхати.....	
Келтирилган қисқартмалар.....	
<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	
<b>I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....</b>	
1.1. Кириш	10
1.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар	
1.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	
<b>II БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ.....</b>	
2.1. Аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.....	17
2.2. Уй хўжаликларида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг статистик кузатиш услуби.....	26
2.3. Аҳоли турмуш даражасини ривожланишинининг асосий йўналишлари.....	42
<b>III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР .....</b>	
3.1. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	51
3.2. Ўзбекистон Республикасида аҳоли истеъмол даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар тавсифи.....	59
3.3. Хорижий мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	64
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>69</b>
Фойдаланилган адабиётлар.....	72
<b>Иловалар.....</b>	



## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилиши билан бирга, бу соҳада ҳал этилмаган масалалар мавжуд эканлиги долзарб муаммролардан бири сифатида қолмоқда. Бирлашган миллатлар бош ассамблеясининг 2000 йилда қабул қилинган “Минг йиллик ривожаланиш дастури”да дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, фаровон турмуш кечириши учун қаратилган муҳим чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда дунё бўйича 800 миллиондан зиёд одамлар етарли озиқ-овқат, тоза ичимлик суви ва санитария шароитларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар”<sup>1</sup>. Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини оширишда, жумладан камбағаллик чегарасини камайтириши ва бандлик даражасини ошириш каби масалалар долзарб муаммолар таркибида қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини оширишига бағишланган илмий-тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, жумладан ўртача умр кўриш давомийлигини оширишда сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш, жиноятчиликни камайтириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш, бандлик ва барқарор даромад каби йўналишлар бўйича кўрсаткичарни статистик таҳлил усулларини такомиллаштириш, уларга таъсир этувчи омилларни статистик ўрганиш долзарб масалалардан бири саналади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрлари ва манфаатлари юқори ўринга қўйилиши аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан юксалтиришда муҳим аҳамият касб

---

<sup>1</sup><https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/goal-01/>